

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS  
TA‘LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

# **ILM SARCHASHMALARI**

*Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.*

**2.2022**

**научно-теоретический методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2022**

YO‘LDOSHEV Ro‘zimboy, bosh muharrir, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori, dotsent

**TAHRIR HAY‘ATI:**

**ABDULLAYEV Bahrom**, fizika-matematika fanlari doktori (UrDU),  
**ABDULLAYEV Ikrom**, biologiya fanlari doktori, professor (Xorazm Ma‘mun akademiyasi),  
**ABDULLAYEV Ilyos**, iqtisod fanlari doktori, professor (UrDU),  
**ABDULLAYEV Ravshanbek**, tibbiyot fanlari doktori, professor (TATU UF),  
**ABDULLAYEV O‘tkir**, tarix fanlari doktori (UrDU),  
**ALEUOV Userbay**, pedagogika fanlari doktori, professor (Nukus davlat Pedagogika instituti),  
**BERDIMUROTOVA Alima**, falsafa fanlari doktori, professor (QDU),  
**DAVLETOV Sanjarbek**, tarix fanlari doktori (UrDU),  
**DO‘SCHONOV Tangribergan**, iqtisod fanlari doktori, professor (UrDU),  
**HAJIYEVA Maqsuda**, falsafa fanlari doktori, professor (UrDU),  
**IBRAGIMOV Zafar**, fizika-matematika fanlari bo‘yicha falsafa doktori, dotsent (PhD, UrDU),  
**IBRAGIMOV Zair**, fizika-matematika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD, AQSH),  
**IMOMQULOV Sevdiyor**, fizika-matematika fanlari doktori (UrDU),  
**JUMANIYAZOV Maqsud**, texnika fanlari doktori, professor (UrDU),  
**JUMANIYOZOV Otaboy**, filologiya fanlari nomzodi, professor (UrDU),  
**KALANDAROV Aybek**, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD, mas‘ul kotib, UrDU),  
**KAVALYAUSKAS Vidas**, gumanitar fanlar doktori, professor (Litva universiteti),  
**NAVRUZOV Qurolboy**, fizika-matematika fanlari doktori, professor (UrDU),  
**OLLAMOV Yarash**, yuridik fanlari nomzodi, dotsent (O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Xorazm viloyatidagi Xalq qabulxonasi bosh mutaxassisi),  
**OTAMURODOV Sa‘dulla**, falsafa fanlari doktori, professor (Toshkent, Kimyo-texnologiya instituti),  
**PRIMOV Azamat**, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori, dotsent (UrDU),  
**QUTLIYEV Uchqun**, fizika-matematika fanlari doktori, professor (UrDU),  
**RO‘ZIYEV Erkinboy**, pedagogika fanlari doktori, professor (UrDU),  
**SADULLAYEV Azimboy**, fizika-matematika fanlari doktori, akademik (O‘zMU),  
**SADULLAYEVA Nilufar Azimovna**, filologiya fanlari doktori (O‘zMU),  
**SAGDULLAYEV Anatoliy**, tarix fanlari doktori, akademik (O‘zMU),  
**SALAYEV San‘atbek**, iqtisod fanlari doktori, professor (Xorazm viloyati hokimligi),  
**SALAYEVA Muxabbat Soburovna**, pedagogika fanlari doktori (UrDU),  
**SATIPOV G‘oipnazar**, qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor (UrDU),  
**XODJANIYOZOV Sardor**, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘rinbosari, UrDU),  
**YOQUBOV Jamoliddin**, filologiya fanlari doktori, professor (O‘zDJTU),  
**O‘ROZBOYEV Abdulla**, filologiya fanlari doktori (UrDU),  
**O‘ROZBOYEV G‘ayrat**, fizika-matematika fanlari doktori (UrDU),  
**G‘AYIPOV Dilshod**, filologiya fanlari doktori, dotsent (UrDU).

**JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN•JURNAL**

**OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI•2022 2(176)**

**MUASSIS:** Urganch davlat universiteti • Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida 2020-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tgan • **GUVOHNOMA № 1131.**

## MUNDARIJA

### FIZIKA-MATEMATIKA

<b>Bekchanov Sardor.</b> Trigonometrik tengsizliklarni isbotlash metodlari.....	3
<b>Mirzayev Elnur Maxmanazar o'g'li.</b> Tekisliklarning o'zaro kesishish chiziqlarini aniqlashning nazariy hamda amaliy bosqichlari.....	5
<b>Шаропов Уткиржон Баходирович.</b> Влияние морфологии на эффект зарядки поверхности кристаллов оксида цинка.....	10
<b>Наврузов Куролбой, Шарипова Шохиста Бакберган кизи.</b> Пульсирующие течения вязкой жидкости в трубе с упругими стенками.....	15
<b>Рузиев Тулкин Раззокович.</b> Собственные крутильные волны в слоистой цилиндрической трубе с учетом реологических свойств материалов.....	22

### FALSAFA

<b>Majitov Maxmud Abdimo'min o'g'li.</b> Shaxs ijtimoiy mohiyatiga postmodern jamiyat tendensiyalari ta'sirining asosiy jihatlari.....	27
<b>Кадирова Дилбар Солиховна.</b> Эстетик тарбиянинг моҳияти, омиллари ва потенциаллари.....	34
<b>Саматов Хуршид Улмасжонович.</b> Халқ билан мулоқотга тўсқинлик қилувчи иллатлар.....	39
<b>Музаффаров Фируз Давронович.</b> Муҳаммад Ғазолийни англашда баъзи мулоҳазалар.....	44
<b>Ашуралиевна Лалихон Мухамеджанова.</b> Отражение концепции человека в учении древности.....	47
<b>Агзамова Нилуфар Шухратовна.</b> Человек и окружающая среда.....	51

### TILSHUNOSLIK

<b>Жамолитдинова Дилноза Мирхожидиновна, Эрназарова Хилола.</b> Ўзбек тилидаги кириш ва киритмаларнинг лингвопоэтик хусусиятлари хусусида мулоҳазалар.....	54
<b>Musayev Abduvali.</b> Adabiy til va nutqda "sleng"ning qo'llanishi.....	58
<b>Юсупова Камола.</b> Императивликнинг предикати аниқлик ва шарт майлидаги феъл бўлган конструкциялар орқали ифодаланиши.....	63
<b>Курбанова Илмира Шарифовна.</b> Темир йўл терминологияси – муайян мақсадга қаратилган тилнинг лексик таркиби сифатида.....	66

### ADABIYOTSHUNOSLIK

<b>Yoqubov Odil.</b> Adabiy hodisalarni anglash yo'li.....	73
<b>Yoqubova Sevinchoy.</b> Jadid she'riyatida rang bilan bog'liq ramziylik.....	75
<b>Feruza Eshqobilovna Abduraxmonova.</b> O'zbek folklorida "Yor-yor" marosim qo'shiqlarining janriy xususiyatlari.....	79
<b>Рахимова Моҳинабону Абдухамид кизи.</b> Эссе жанрининг ўзига хос хусусиятлари, тузилиши ва турлари.....	82
<b>Кодирова Зухра Обидхон кизи.</b> Рашиддин Ватвотнинг "Ҳадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър" асари – шарқ мумтоз поэтикаси манбаси.....	87
<b>Сабирова Насиба Эргашевна.</b> Хоразм бахшичилиқ аънаналари ва уларнинг локал хусусиятлари.....	90
<b>Пиримқулов Абдурахмон.</b> Комил Аваз туюқлари.....	95

### PEDAGOGIKA

<b>Yadgarov Baxodir Jumatovich, Yadgarova Doniyor Baxodirovich.</b> Qisqa masofaga yuguruvchi 14–15 yoshli yengil atletikachilarning og'ir atletika mashqlari orqali kuch sifatini oshirish.....	98
<b>Ataullayev Zokir Maxsudovich, Tojiboyev Raximberdi Yarashboy o'g'li, Rajabov Xudoyor Madrimovich, Eshchanov Ruzimboy Abdullayevich.</b> Kimyoni o'qitishda o'quvchilarning intellektual rivojlanish muammolarini hal qilishda algoritmik yondashuvdan foydalanish.....	101
<b>Allaberganova Muyassar Rimberganovna, Olloberganova Muyassar Davlatboy qizi, Ravshanqulov Abbas Ravshanqul o'g'li.</b> Ta'limda iot ilovalarining roli.....	105
<b>Madaminov Uktamjon Ataxanovich, Ishmetov Bahrom Yangibayevich, Sultanov Otajon Rajabboy o'g'li.</b> Oliy ta'lim tizimida web dizayn asoslarini o'rgatishda axborot texnologiyalaridan foydalanish.....	108

халққа амру маъруф қилса, жамиятда кўп кабиҳ ишлар камайиб боради. Халқ билан мулоқот қилишга тўсиқ бўладиган иллатларни бартараф қилган, уларни тўғри йўлга ҳидоят қилган тасаввуф шайхларини халқ ўтмишда ҳам ва ҳозирги кунда ҳам чуқур ҳурмат қилиб, эҳтиром қилиб келади.

**Музаффаров Фируз Давронович (БухДУ Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари кафедраси  
мудирни, фалсафа доктори (PhD), доцент)  
МУҲАММАД ҒАЗЗОЛИЙНИ АНГЛАШДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР**

**Аннотация.** Ушбу мақола Ғаззолий шахсияти ва унинг “Ихёу улумид-дин” асари таҳлиliga қаратилган. Асарда ахлоқий, диний, ҳуқуқий, ирфоний тушунча ва муаммолар мантиқий далиллар ёрдамида таҳлил этилган ва шионарли тарзда тушунтириб берилган.

**Аннотация.** Данная статья посвящена анализу личности Газали и его произведения Ихью улумид-дина. Произведение анализирует моральные, религиозные, правовые, мистические концепции и проблемы, с помощью логических аргументов и убедительно объясняет их.

**Annotation.** This article is dedicated to the personality of Ghazzali and the analysis of his treatise Ikhyu ulumid-din. The performance analyzes moral, religious, legal, mystical concepts and problems with the help of logical arguments and convincingly explains them.

**Калит сўзлар:** Ихёу улумид-дин, Кимиёи саодат, Хужжат ул-ислом, тасаввуф, Ибн ал-Арабий, Абу Фазл Ироқий, Абу Толиб Маккий, Муҳосибий, Аристотель, Платон.

**Ключевые слова:** Ихя улумид дин, Кимияи саадат, Худжатул-ислам, суфизм, Ибн ал Араби, Абу Фазл Ираки, Абу Талиб Макки, Мухасиб, Аристотель, Платон.

**Key words:** ikhya ulumid din, kimiya'i saadat, khudjat ul islam, sufism, ibn al arabi, abu fazl iraqi, abu talib makki, mukhasibi, aristotle, platon.

Мустақиллик йилларида жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг маънавий меросини ўрганишга катта эътибор берилди. Ўрта асрларда Шарқнинг йирик алломаларидан бири Муҳаммад Ғаззолий (1058–1111) ҳам ана шундайлардан бири ҳисобланади. У қолдирган бой маънавий мерос жаҳон илм-фани ривожига ўзига хос ўринга эга. Зеро, у ҳаёт ҳақиқати ва иймон неъматини теранроқ англаб, ҳис этган ва бутун инсониятга ислом таълимини бериб, шубҳа булутларини тарқатиб юборган ҳамда қалби иймонга лиммо-лим мутафаккир ва маърифатпарвар бир сиймо эди. У уқтирган илмлар соясида бутун Шарқ халқлари тартибли яшашни ўрганди.

Муҳаммад Ғаззолийнинг маънавий мероси асрлар оша кишиларни соғлом эътиқод, юксак маънавият, ирфоний тафаккур, маърифат ва маданиятга чорлаган, унинг таълимоти ҳозирги давримиз учун ҳам аҳамиятлидир.

Алломанинг “Кимиёи саодат” асарини форсчадан туркий тилга ўгирган Муҳаммад Исонинг таржима муқаддимасида ёзишча, Расули ақрам Байтул – Қуддусдан меърожга кўтарилган вақтда Бани Исроил пайғамбарларидан Мусо алайҳиссалом пешвоз чиқиб, расулуллоҳга иззат-ҳурматини билдиради. Сўнг Муҳаммад алайҳиссаломдан: “Сиз бир ҳадиси шарифингизда “Менинг умматларимдан чиққан уламолар Бани Исроил пайғамбарларидек”, дебсиз. Шу сўзингизни нима билан исботлайсиз?” деб сўрайди. Шунда Муҳаммад алайҳиссалом “Хужжатул ислом” унвони билан машҳур бўлган имом Муҳаммад Ғаззолийнинг руҳини чақириб, Мусо алайҳиссаломга юзлаштиради. Иккаласи озроқ суҳбатлашгач, Мусо пайғамбар ислом уламоларининг Исроил пайғамбарларига тенглигини тан олиб, ҳазрати Мустафога яна таъзим қилади.<sup>1</sup> Ушбу фикрлардан кўринадики, ислом оламининг ҳар бир олими ҳам бундай юксак шарафга лойиқ эмас. Аммо, Шарқ халқлари тарихида расулуллоҳ айтган мартабага сазовор алломаларимиз кўп бўлиб, шулардан бири ҳақли равишда Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийдир.

Муҳаммад Ғаззолий 1058 йилда Хуросонда Тус шаҳри яқинида дунёга келган. Дастлабки таълимни Муҳаммад Розконийдан олган. 1070 йилдан хайрия ўқув юртида ўқишни давом эттиради, беш йилдан сўнг 1075 йилда Журжонга йўл олади.<sup>2</sup> У ерда Имом Абунаसर Исмоилий маърузаларини тинглайди. Имом Абунасрдан таълим олгач, Ғаззолий Журжондан Тусга қайтиб келади.

<sup>1</sup> Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимиёи саодат (Рух ҳақиқати). Тошкент, “Адолат”, 2005, 10-бет.

<sup>2</sup> Шамолов А.А. Проблема счастья в этических концепциях Абу Хаида Газали и Насириддина Туси. Известия АН Республики Таджикистан. Серия: философия и право-ведение. 1993, № 3, с. 65.

1080 йилда Ғаззолий Нишопурдаги, Низом ул-Мулк томонидан ўша даврдаги шофеъийларнинг етакчи илоҳиёт олими Имом ал Ҳара-майн Абул Маъолий Жувайнийга ишониб топширилган Низомия мадрасасига ўқишга киради. 1085 йилда Жувайний ўлимидан кейин, Ғаззолий Малик-шоҳнинг хизматига ўтади. Маликшоҳ ҳузурдаги олти йиллик хизматдан сўнг, 1091 йилда Низом ул-Мулк Ғаззолийни Бағдоддаги “Низомия” мадрасасига мударрис этиб тайинлайди.

Орадан анча вақт ўтиб, Ғаззолий шундай йўл тутадикки, бу унинг замондошлари ва ижоди тадқиқотчиларини ҳайратга солди. 1095 йилда Бағдоддаги Низомия мадрасасининг ишини биродари Аҳмад Ғаззолийга топшириб, ўзи ҳаж зиёрати баҳонасида дўсти Абулқосим Ҳаким билан биргаликда Сурияга йўл олади. Бу узлатга чекиниш 10 йил 1105 йилгача давом этади. Бу вақт оралиғида Ғаззолий Ҳижоз, Сурия, Фаластин ва бошқа кўплаб шаҳарларда бўлади. У Тус яқинидаги Табарон манзилгоҳида 1111 йилнинг 19 декабрида вафот этади.

Шубҳа йўқки, Хужжатул ислом Ғаззолий Исломнинг буюк шахсиятларидан, улуғ аҳллари-дан бири ҳисобланади. У, шунингдек, Исломий фикр раҳнамоси, диний руҳни жонлантиришда ва ислом фикрини уйғотишда катта фазилатга эга бўлган кишилардан биридир.

Фалсафа тарихидан бизга маълумки Ғаззолийнинг ёзган асарлари орасида энг фундаментал асар араб тилида ёзилган “Ихёу улумид-дин” ҳисобланади. Ғаззолий ёзади: “Китобни тўрт чорак устига асослаб ёздим: Ибодатлар чораги (рубъи ибодат), урф-одатлар чораги, ҳалок қилувчи амаллар ҳақидаги чорак (рубъи муҳликот) ва нажот бе-рувчи амаллар чораги (рубъи мунжиёт). Сўзни илм ҳақидаги китобдан бошладим. Зеро, илм Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам тиллари билан Аллоҳ таоло барча одамлардан талаб этилиши ибодат ҳисобланиши эълон қилинган энг муҳим ғоя эканини очиб беришни мақсад қилдим”.<sup>1</sup>

Ибодатлар чораги ўнта китобни камраб олади: илм китоби, ақоид қоидалари, таҳорат сирасрорлари, никоҳ одоблари, касб-кор ҳукмлари, ҳалол ва ҳаром, турли халқлар билан муомала ва суҳбат, узлат китоблари, сафар одоблари, самоъ ва важд, амри маъруф ва наҳйи мункар, яшаш одоблари ва пайғамбарлик ахлоқи китоблари.

Ҳалок қилувчи амаллар чорагида ҳам ўнта китоб мавжуд: қалб ажойиботларининг шарҳи, нафс риезати, қорин ва фарж шаҳватининг офатлари, тил офатлари, ғазаб, адоват ва ҳасад офатлари, дунёнинг мазаммати, кибр ва ужубнинг мазаммати, ғурурнинг мазаммати ҳақидаги китоблар.

Нажот берувчи амаллар чораги ҳам ўнта китобни камрайди: Тавба китоби; сабр ва шукр; хавф ва ражо; фақр ва зуҳд; тавҳид ва таваккул; муҳаббат, шавқ, унс ва ризо; ният, сидқ ва ихлос; мувоқабат ва муҳосаба; тафаккур; ўлимни эслаш китоблар”.

Ғаззолий ушбу асарда ҳам файласуф, ҳам муқаддас китоблар билимдони, ҳам ҳуқуқшунос – фақиҳ ҳам тасаввуфшунос аллома, ҳам ахлоқшунос носих сифатида ўзини намоён этади. Китобда ахлоқий, диний, ҳуқуқий, ирфоний тушунча ва муаммолар мантиқий далиллар ёрдамида таҳлил этилади ва ишонарли тарзда тушунтириб берилган.

“Ихёу улумид-дин” асари бошқа тасаввуфий асарлардан бешта жиҳати билан фарқ қилади.

1. Улар ечмасдан, тугун ҳолида қолдирган масалаларни ечиш, мужмал қилган ўринларни очиш.

2. Сочиб ташлаганларини тартибга солиш, бўлиб ташлаганларини низомга келтириш.

3. Узун қилганларини қисқартириш, муқаррар белгилаб берганларини қоида ҳолига келтириш.

4. Такрорларини тушуриб қолдириш, таҳрир қилганларини собит қилиш.

5. Мазкур китобда келтирилмаган, фаҳмга бироз қийин бўлган, ноаниқ ишларни таҳқиқ қилиш.

Ғаззолий ўзининг ушбу асардаги ғояларини ихчамлашган тарзда “Кимиёи саодат” номи билан форс тилида ҳам баён қилган.

“Ихёу улумид-дин” асари ҳақида Эрон олими Абу Фазл Ироқий китобга қилган “тахриж”ининг муқаддимасида: “Ихёу улумид-дин” ҳалол ва ҳаромни танитадиган улуғ китоблардан биридир. Унда жамланган ҳукмлар қалбларга йўналтирилган. Китоб ёлғиз фуруъ ва масойил билан чекланиб қолмаган. Шу билан бирга, соҳилга қайтиш имконсиз бўладиган даражада тубсизликка ҳам шўнғиб кетилмаган. Балки унда зоҳир ва ботин илми қоришиб, маънолар энг гўзал ўринларда

<sup>1</sup> Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумид-дин (Дин илмларини жонлантириш). Тошкент, Тошкент Ислом университети, 2014, 10-бет.

мавжланади ва аниқ, тиниқ, нафис лафзлар ичра оқади. Бу оқимнинг сифати мўътадилликдир”, деб ёзади. Абдуллох Идрис эса: “Барча сирлар калити Китоб ва Суннатга эргашишдадир. Китоб ва суннатга эргашиш шариатга эргашиш, шариат эса “замон ажойиботи” деб номланган “Ихёу улумид-дин” китобида шарҳланган”, дея қайд этади. “Агар барча илмлар йўқолса, уларни “Ихёу” дан чиқариб олардим”, дейди Шайх Абу Муҳаммад ал-Козруний.<sup>1</sup>

“Ихёу улумид-дин” эътиқодли мусулмон учун, маънавий ҳаётнинг барча жиҳатларини қамраб олган дастурул амал бўлиб, бунда: диний маросимлар ва зоҳидлик, кундалик ҳаётдаги хулқ-атвор, қалбни поклаш, худога элтувчи ботиний йўлнинг босқичлари баён этилган. Биринчи икки китобда ҳар мусулмон билиши зарур бўлган диний билимлар минимум тарзда баён этилган. Ғаззолий, суний олимлар тўплайдиган, таснифлайдиган ва авлоддан-авлодга етказадиган анъанавий билимни юқори баҳолайди. Бироқ, охири Ғаззолий, барибир, илҳомлантирувчи ботиний сўфийлик билимини устун деб ҳисоблайди. Қайсики бу илмнинг эгаси Қуръоннинг ҳақиқий мазмунини тушуна олади ва иккиланишларни истисно қилиб, ўз эгасига руҳий осойишталик ва худо билан учрашувни ором билан кутишни ҳаёти этади, дейди мутафаккир.

Ғаззолий шундай ёзади: “Бу китобни тўрт қисмга ажратиб ёзишга менга иккита омил туртки берди, биринчиси ва асосийси: айнан шундай тартибда шарҳлаш ва тадқиқ қилиш зарур, сабаби нариги дунё ҳақидаги билим иккига, хулқ атвор илми ва кашфиёт илмига бўлинади. Охиргисиди мен фақат илми кашф этишни кўзда тутаман, иккинчисиди яъни хулқ-атвор илмида эса ҳаракатни. Бу китоб фақат хулқ-атвор илмига дахлдордир”.

Инглиз шарқшунос олими Артур Арберри “Ихёу улумид-дин”ни Ибн ал-Арабийнинг “Ал-Футухат ал-маккийя” асари билан бир қаторда асосий сўнги тасаввуфий манбалар деб ҳисоблайди. Бу бежиз эмас. Машҳур тасаввуфшунос олим Идрис Шох ўзининг “Сўфийлар” деб номланган асарида қизиқарли бир фикрни келтиради: Ғаззолийнинг “Ихёу улумид-дин” асари мусулмон испаниясида халойиқ олдида ошқора ёқилди. У ёзади: “Ёш бола катталар эришган ютуқларни реал тасаввур қила олмайди. Ёши катта оддий одам олимнинг ютуқлари тўғрисида мулоҳаза юрита олмайди. Шунингдек, олим ҳам авлиёлар ёки сўфийлар кечинмаларини тушуна олмайди. Чўчка, ит, шайтон ва авлиённинг кўшилиши (бирлашиши) ақлга тўғри келмайди. Бу аралашмадан ақлга эришиш мумкин эмас. Чироқни кўриш учун, ёстикқа қарашни тўхтатиш керак”.

Ғаззолий “Ихёу улумид-дин” асарида тасаввуф назарияси ва амалиётини суннийлик ғояларига зид келмасдан, аксинча у мусулмон дини асослари ва руҳига бутунлай мос келишини исботлади. Мутафаккир ўз қарашларидан келиб чиққан ҳолда динни ҳиссиёт ва кечинмалар объектига айлантиришга, шу билан бирга, замонавий ҳаёт талабларидан орқада қолган суннийлик эътиқодини жонлантиришга ҳаракат қилди.

Ўзининг тасаввуфий асарларида, айниқса, “Ихёу улумид-дин”да Ғаззолий нафақат суннийлик ғояларини тирилтирувчиси сифатида ва нафақат тасаввуфни бирлаштирувчи сифатида, балки мусулмон жамиятининг руҳиятига мос келувчи ва тасаввуф кадриялари билан боғлиқ бўлган, инсон ҳаётининг кўп қирралилиги орқали динга янгича ёндашув ва янги тузилмалар ёрдамида суннийлик ғояларини жонлантиришга ҳаракат қилувчи сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлади.<sup>2</sup>

Ижтимоий адолат, эзгуликни қарор топтириш, ахлоқий-этик идеаллар, одамлар орасидаги дўстлик, фанларни турларга бўлиш масалаларида Ғаззолий кўпроқ Абу Толиб Маккий таълимотига таянган. Булар унинг “Ихёу улумид-дин” ва тасаввуфга доир бошқа асарларида ўз ифодасини топган.

Кўплаб ботиний-фалсафий муаммоларни таҳлил қилишда Ғаззолий Муҳосибийга суянади. Чунончи ўз-ўзини қўлга олиш усули, инсоннинг ташқи ҳаракатлари ва қалб истаги ўртасидаги мутаносиблик, жазаба ҳолати – ҳол, ички ҳаётни ахлоқий покланишга йўналтиришни ташкил этиш усуллари ва ҳоказолар. Ғаззолий диннинг моҳиятини чуқур англашда ахлоқий меъёрлар ва усулларнинг аҳамиятини тан олади. Шунингдек, ахлоқни ҳиссий билишни, жазаба орқали билишни ҳам инкор этмайди.

Ғаззолий фалсафий дунёқарашларининг шаклланишига Зардуштийлик ва қадимий Эрон анъанавий тафаккури таъсир этганини кўплаб мисоллар тасдиқлайди. Платон фалсафаси анъаналари Ғаззолийнинг руҳ тўғрисидаги таълимотида яқолроқ кўзга ташланади. Платоннинг “барча нарса-

<sup>1</sup> Абу Ҳомид Ғаззолий. Тавба китоби. Тошкент, “Мовароуннаҳр”, 2003, 5-бет.

<sup>2</sup> Наумкин В.В. Трактат. Газали “Воскрешение наук о вере”. Абу Хамид Газали. Воскрешение наук о вере. Москва, “Наука”, 1980, с. 85.

ларнинг замонда пайдо бўлиши (шаклланиши)” тўғрисидаги таълимотида, метафизик образдан эмперик ҳолатга ўтиш, ҳиссий идрок кабилар Ғаззолийнинг “Худус” таълимотида ўз аксини топган.

Шунингдек, ҳиссий ва ақлий билиш таҳлилида Ғаззолий Аристотелга таянади. Айниқса ўзининг ахлоқ тўғрисидаги таълимотини яратишда Аристотелга мурожаат қилади. Инсонларнинг яхши бўлишига ва жамиятни мукамал қилишларига ёрдам бериш учун Аристотел услубида ахлоқий муаммоларни тадқиқ қилади. Сукротга қарама-қарши ҳолда ахлоқий меъёрлар ва яхши сифатларни хошиш-ирода билан боғлайди. Яхши хулқ – ақлий сифат эмас, балки у билан боғлиқ ҳолатдир. Мана шу асосга таяниб, Ғаззолий Аристотелга эргашган ҳолда, тарбия воситасида шаклланган ахлоқий сифатлар табиий инъом ва туғма қобилиятдан устундир, деган хулосага келган.

Хулоса қилиб айтганда, “Ихёу улумид-дин” асарининг таҳлили шуни кўрсатадики, Ғаззолийнинг ижодий фаолияти бутунлай тасаввуфга бағишланмаган бўлиб, унинг асосий қарашлари исломни янгилашни кўзда тутарди. Бу инқироздан чиқиш учун Ғаззолий тасаввуфга, антик фалсафани, христиан теософиясини, зардуштийликни киритиб, уларни илоҳиёт ҳужжатлари билан бирлаштириб, мўътадил тасаввуф таълимотини яратди. Ғаззолий томонидан яратилган таълимот, бутун оммага тўғри келиб, ҳар бир инсоннинг эҳтиёжлари, орзу ва интилишлари ҳисобга олинган бўлиб, “олий руҳониятга” қаратилмаган эди. У мусулмон тафаккурининг уйғониши – анъанавий ислом, тасаввуф ва рационализмни бирлаштириб, пухта асосланган таълимотга асос солди. Бу таълимотларни бирлаштириб, суннийлик ғояларини уйғонишига туртки берувчи мантикий нукта-ни қўйди.

**Ашуралиевна Лалихон Мухамеджанова (профессор кафедрa этики и эстетикa факультета социальных наук Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека, к.ф.н.; Lalixon@list.ru, lalixonm@gmail.com)**

## **ОТРАЖЕНИЕ КОНЦЕПЦИИ ЧЕЛОВЕКА В УЧЕНИИ ДРЕВНОСТИ**

***Аннотация.** Маълумки, инсон ҳаёти масаласи азал-азалдан кишиларни ўйлантириб, мушоҳада юритишига ундаб келмоқда. Айниқса, турли ёвуз қарашларни тарғиб қилаётган диний экстримизм, фундаментализм, оммавий маданият сингари ахборий хуружлар авж олаётган, инсон қалби ва онги учун курашлар кескинлашиб бораётган бугунги глобал ахборот асрида инсоннинг ўзини англашига бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда. Негаки, бундай курашлар орасида қолган инсон, айниқса, ёшлар руҳиятида иккиланишлар, тушкунлик, бефарқлик, лоқайдлик сингари салбий иллатларнинг намоён бўлиши, табиий. Мақолада кўтарилаётган муаммо бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаётганлигига гувоҳ бўлиши мумкин.*

*Антик давр мутафаккирларининг инсон ҳақидаги қарашлари уларнинг диний, фалсафий таълимотлари билан боғлиқ. Мақолада антик даврда ахлоқий тафаккурнинг ривожланиши тарихидаги инсон муаммоси муҳокамаси очиб берилган.*

***Аннотация.** Как известно, проблема человеческой жизни всегда заставляла людей задуматься и наблюдать. Потребность в самосознании растёт, особенно в сегодняшнюю глобальную информационную эпоху, когда информационные атаки, такие, как религиозный экстремизм, фундаментализм, массовая культура и борьба за человеческое сердце и разум усиливаются. Потому что для человека, оказавшегося в разгаре такой борьбы, особенно в психике молодежи, естественно проявлять такие негативные пороки, как неуверенность, депрессия, безразличие. Вопрос, поднятый в статье, можно считать актуальным и сегодня.*

*С незапамятных времен проблема человеческой жизни побуждала людей думать и наблюдать. В статье раскрывается обсуждение человеческой проблемы в истории развития нравственного мышления в античности.*

***Annotation.** As you know, the problem of human life has always made people think and observe. The need for self-awareness is growing, especially in today's global information age, when information attacks such as religious extremism, fundamentalism, popular culture and the struggle for the human heart and mind are intensifying. Because for a person who remains in the midst of such a struggle, especially in the psyche of young people, it is natural to show such negative vices as insecurity, depression, indifference. The question raised in the article can be considered relevant today.*